2009 йил, 9 январь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 6 (11.317) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Хосият ая» гузарида «14 январь — Ватан ҳимоячилари куни»га бағишланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — юрт тинчлиги ва хавфсизлиги кафолатидир» мавзуида катта тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда тумандаги маҳаллалар фаоллари, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ҳозирги кунда ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаётган ўғлонларнинг ота-оналари иштирок этди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган «Ройсон» компанияси маиший-хизмат ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқара бошлади.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадалари ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** Терапия ва миллий реабилитация институтида ўтказилган тадбирда ўтган йили мазкур институт қошида очилган аллергология бўлимининг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **РЕСПУБЛИКА** табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари муҳокамасига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ўтказилган тадбирда транспорт воситаларини суғурталашни муваффақиятли ниҳоясига етказишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **КЕЧА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёшлар қаноти» гуруҳининг ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент юридик коллежида тарих фани бўйича фан олимпиадаси уюшқоқлик билан ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият юритаётган картография ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда 4-9-синф ўқувчилари учун география фанидан контур хариталари тайёрланганлиги маълум қилинди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Марказий Кенгаши қошидаги сардорлар мактаби ташаббуси билан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси маънавият-маърифат марказида ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Қушларни асрайлик» деб номланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

## АСКАРЛАРИ БАҚУВВАТ ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

**ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДИЛЛАРНИ ЧУЛҒАГАН ШУКУҲИ ТАРҚАМАСДАН ЯНА БИР ҚАДРЛИ САНА – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДАМИЗ. БУ БАЙРАМЛАР ТИНЧ-ОСОЙИШТА, БУНЁДКОР ЭЛ-ЮРТГА ЯРАШАДИ, ДЕГАН ҲИКМАТНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИДИР.**



Бу она-Ватанимизнинг хавфсизлиги, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигининг мустаҳкам кафолати – Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланаётгани, миллий армиямизда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланганı туфайлидир.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик нафақат эл-юртимиз равнақи йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, балки байрамларни катта шодиёналар билан нишонлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида узоқни кўзлаб ўтказилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Юрт посбонлари ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган тарихий воқеа хотирада қайта гавдаланади. 1992 йилнинг 14 январида мустақил Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг мамлакатимиз тасарруфига ўтказилиши юртимиз аҳолиси тинчлиги ҳамда истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги мисли кўрилмаган воқеа бўлган эди. Шу боис 1993 йилдан ушбу сана мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланади.

Энг муҳими, ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш – умумхалқ иши, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини тобора теранроқ, янада чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Бу юксак туйғу фарзандларимиз қалбига сингиб бормоқда.

Тўрт-беш ёшли болакайнинг ҳарбий либос кийган йигитларга завқ-шавқ ва ҳавас билан қараб турганини кузатганмисиз. Ҳарбий кишининг ҳайбати ва ҳаракатларидан "сеҳрланиб қолган" болакай ўнг қўлини беихтиёр чаккасига қадаб, ўзича "салом" берганида, қувониб кетасиз!

Бу халқимизнинг матонатли ўғлонлари Ватанни ҳимоя қилар экан, биринчи навбатда ўз ота-онаси, киндик қони тўкилган тупроғи, меҳрибон опа-синглиси, ёру биродарларини кўз олдига келтиришининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган амалий кўриниши, ҳарбий хизмат нуфузининг нақадар ошганининг яна бир далолатидир.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёси, сифати ва самарадорлиги жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан ишлар амалга оширилди. Фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилди, чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бирга жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш белгиланди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдаги, сафарбарлик чақируви захирасидаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда она юртнинг метин қалқони бўлиш учун ҳамиша шай туришга асосланган мукаммал характерни, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ва тарғибот ишларининг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.



Юртимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган ислоҳотлар Қуролли Кучларимизни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бераётгани, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси сезиларли даражада ошгани, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўсгани нафақат мамлакатимизда, хорижда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Бу борада ҳарбий хизматчиларга берилаётган эътибор ва яратилаётган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан армияда йигитлик бурчини ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсиясига эга бўлган ёшларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Яна бир муҳим жиҳати, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга контракт суммасининг 35 фоизини "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати моддий ёрдам тариқасида тўлайди. Мазкур ташкилот марказий кенгашидан олинган маълумотга кўра, 2007-2008 ўқув йилининг ўзида республика бўйича 9628 нафар йигит ана шу имтиёздан фойдаланган. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларида миллий армиямизда мардлик ва матонат мактабини ўтаган 22 минг нафардан зиёд ёш таълим олаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда яқин ўтмишимизга оид бир ҳолатни эслаш ўринли бўлади. Шўро замонида ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув бошланди дегунча кўпчилик ота-оналар ташвишга тушар, айримлари ўша пайтдаги ҳарбий комиссариатларга серқатнов бўлиб қоларди. Мақсад – қандай қилиб бўлмасин, ўғлини ҳарбий хизматдан олиб қолиш. Сабаби – ўзга юртларга хизматга олиб кетиладиган фарзанд ҳамиша ҳам соғ-омон қайтиб келмас, миллий, маънавий ва жисмоний таҳқирлашларни бошидан ўтказишга мажбур эди.

Ҳозир бунинг тамоман акси. Бугун миллий армиямизда замонавий билимга эга, шижоатли, ҳар томонлама етук фарзандлар хизмат қилади. Уларни ҳарбийга кузатиш ва кутиб олиш маросимлари катта тантана қилинади. Илгари ўғли армияга кетаётганида йиғи-сиғидан тийилмаган ота-оналар бугун фарзанди чақирилувчилар танловидан муваффақиятли ўтганидан ғурурланади. Оқ ювиб, оқ тараган боласи алмисоқдан қолган кийимда халта орқалаб эмас, хушбичим кийимда юзида қувонч билан жўнаб кетишини, борган жойида ним қоронғу казармада эмас, замонавий жиҳозланган хонада яшашини, бир пайтлардагидек музлаган карам ва картошка эмас, ўзимизнинг сара маҳсулотлардан тайёрланган овқатларни тановул қилишини, хоҳлаган вақтда уни бориб кўриши мумкинлигини яхши билади. Энг муҳими, унинг жигарбанди ўз юртида ўз халқини – она Ватанини ҳимоя қилаётганидан фахрланади.

Шунинг учун 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини нафақат ҳарбийларимиз, балки бутун халқимиз кенг нишонлайди, байрам қилади. Зотан, бу мустақил Ўзбекистоннинг ўз байрами. Бизнинг элимизда ҳар бир байрам ўзгача шодиёна билан тантана қилинади, нишонланади.

... Ўнг қўлини чаккасига қадаган гўдакнинг беғубор қалбида ана шундай навқирон акаларига ўхшаш истаги пайдо бўлгани, эзгу ният куртак ёза бошлагани Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг амалдаги бир ифодасидир. Соҳибқирон бобомиз Амур Темур таъбири билан айтганда, аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари эса бақувват бўлур!

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Фармон ва ижро*

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ШАХС ВА ОИЛАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, БУНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини такомиллаштиришга оид фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Ҳуқуқий мавзудаги энг яхши мақола" республика кўрик-танлови якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тарғибот ишлари ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бунда адлия идораларининг оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Г.Иномжонова, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Қ.Чориев, "Моҳият" газетаси жамоатчи мухбири А.Азимов, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Н.Мирмуҳамедова совринли ўринларни эгаллади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан уюштирилган ушбу тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда мудофаа тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замонавий билимга эга ва ватан ҳимоясига доимо шай турувчи офицер-мутахассисларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.**

● **Сурхондарё вилоятида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида 91,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ушбу маблағлар биринчи навбатда халқ таълими соҳасига ишлатилиб, тўртта мактаб қурилди, 177 таси капитал таъмирланди. Вилоятда 11 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар очилди.**

● **Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши 2010 йилда бошланиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа қиймати 1,85 миллиард долларлик ушбу иншоотда қурилиш ишларини тендерда ғолиб чиққан «Сингапур-CMAI» компанияси олиб боради. Мазкур мажмуа ишга тушгач, бу ерда йилига 4 миллиард куб метр табиий газ қайта ишланади.**

● **Бағдод туманида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» хайрли тадбирлар билан бошланди. Бу ердаги Фарғона—Қўқон катта автомобиль йўли ёқасида янги бозор қурилиши бошланди. Умумий майдони 10 гектарни ташкил этган замонавий бозорда харидор ва сотувчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Мажмуада иккита ёпиқ савдо растаси, тиббий ва маиший хизмат тармоқлари бунёд этилади, 500 дан ортиқ автомобиль тўхташ жойлари, меҳмонхона қад ростлайди.**

● **Урганч шаҳридаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида ёшлар студияси ва радиоси фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди замонавий ускуналар билан жиҳозлаган ушбу марказда 60 нафар ёшлар иш билан таъминланди.**

● **Нукус шаҳридаги Мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ ташкилот ва муассаса 127 та бўш иш ўринлари билан қатнашиб, ярмарка давомида 90 нафарга яқин йигит-қиз доимий иш ўринларига эга бўлди.**

● **Хонқа туманидаги «Хонқаобод» кичик корхонаси Хоразм вилояти ҳудудида пласт-масса чиқиндиларидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган ягона корхона ҳисобланади. Ушбу корхонада айни кунларда муҳр ва штамплар дастаклари, ўн хил тугма каби йигирмадан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Бу ерда 2009 йилда турли-туман болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.**

### ЖАҲОНДА

● **16-17 январда Россия Бош вазири Владимир Путиннинг Германияга ташрифи доирасида ГФР канцлери Ангела Меркель билан ўтказадиган музокараларида Европага газ етказишга оид вазият асосий мавзулардан бирига айланади.**

● **Кеча Бельгиянинг Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи, Европарламент, Россиянинг «Газпром» ҳамда Украинанинг «Нафтогаз Украины» компаниялари вакиллари ўртасида Россиянинг транзит газини Украина орқали Европа давлатларига етказиб бериш масалалари юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.**

● **Кеча илк бор Ливандан Исроилга отилган учта реактив снаряд икки кишининг жароҳатланишига олиб келди. Ўз навбатида Исроил томони ҳам Ливанга миномёт зарбаларини берди. Бу Яқин Шарқдаги вазиятни янада чигаллаштириб юборди. Ҳозирча Ливандаги ҳеч қандай ташкилот ракета ҳужумини ўз бўйнига олгани йўқ. Мушкул вазият муносабати билан Ғазо секторидаги хорижий давлатлар дипломатлари ва вакиллари ушбу ҳудудни тарк эта бошлади.**

● **700 кишининг ҳаётига зомин бўлган ҳамда 3 минг нафардан ортиқ киши жароҳатланишига олиб келган Ғазо секторидаги 12 кунлик жанглардан сўнг ҳудудга инсонпарварлик ёрдамларини киритиш ва яраланганларни хавфсиз жойларга кўчириш мақсадида кеча уч соат мобайнида ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди.**

● **Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида уюштирилган террорчилик ҳаракатининг тирик қолган ижрочиси покистонлик шахс эканлиги тасдиқлангач, Покистоннинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Маҳмуд Али Дюрани масъулиятсизликда ва хавфсизлик масалаларини бошқаришда лаёқатсизликда айбланганı ҳолда вазифасидан озод этилди.**

● **Кеча Коста-Рикада Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли зилзила содир бўлди. Ер силкиниши натижасида қурбонлар ва вайронагарчиликлар бор.**

● **Туркия полицияси давлат тўнтаришини уюштиришда гумон билан 30 кишини ҳибсга олди. Улар орасида Туркия Миллий Хавфсизлик Кенгашининг собиқ котиби Тунжер Килинч ҳамда учта истеъфодаги генерал, иккита академик бор.**





*Кўргазмалар*

## ИЖОДИЙ ИШЛАР НАМОЙИШИ

**ШАҲРИМИЗДАГИ «DEDEMAN SILK ROAD TASHKENT» МЕҲМОНХОНАСИДА «МЎЪЖИЗАЛАР ДАВРИ» 7-ХАЙРИЯ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирда ақлий ва жисмоний саломатлигида нуқсони бўлган болалар ҳамда ёшлар томонидан тайёрланган суратлар, откриткалар, ўйинчоқлар, зардўзлик маҳсулотлар ва бошқа турдаги 300 га яқин маҳсулотлар намойиш этилди.

Хайрия кўргазмасида айниқса Юнусобод туманидаги «Умр» ногиронлар жамоатчилик маркази, заиф эшитувчилар учун 102-махсус мактаб-интернат, Мирзо Улуғбек туманидаги 130- мактаб-интернат, «Меҳрибонлик» ўзаро ижтимоий ёрдам жамиятининг Бектемир туман бўлими, 1 ва 2-Меҳрибонлик уйлари ва бошқа кўплаб ташкилотлар фаол қатнашишди.

Юқоридаги ташкилотларнинг аъзолари тадбир давомида чиройли рақслар, мафтункор қўшиқлар ва ажойиб цирк номерларини ижро этишиб йиғилганлар кўнгилларини хушнуд этишди.

Кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, бу — имкониятлари чекланган инсонларни тадбиркорлар, хайрия ташкилотлари вакиллари билан таништириб, фойдали мулоқот уюштиришларига кўмаклашиш, ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш ва жамоатчиликни ногиронлар муаммоларига жалб этишдир. Болаларнинг хайрия кўргазмасида шахсан иштирок этишлари эса ижтимоий мослашувнинг муҳим элементи бўлиб, уларда ўз қўли билан ясаган буюмидан фахрланиш туйғуларини уйғотади.



Кўргазма Инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон марказининг профессионал менежмент дастури битирувчилари клуби (A-Club) ва «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси томонидан уюштирилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

## ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

**14 ЯНВАРЬ «ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ЖОЙЛАРИДА ТУРЛИ ТАДБИР ВА АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ҲАМ МАЗКУР САНАГА БАҒИШЛАНГАН МАХСУС ДАСТУР АСОСИДА ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР УЮШТИРМОҚДА.**

Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган ишлар замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Миллий армияда туб ислоҳотлар ўтказилди ва ҳозирда у ўз самарасини бермоқда.

Мана шулар қаторида ёш авлодни ватанга содиқ қилиб тарбиялаш, уларда миллий армия, ватан мудофаасига ҳавас уйғотиш, бу йўлда уларни чиниқтириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. «Ватанпарвар» ташкилотининг мазкур йўналиш ва мақсад йўлидаги фаолияти ҳам айни шу мақсадларга қаратилган. Ташкилот Низомда белгиланган вазифалар асосида ҳокимликлар, алоқадор вазирликлар ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳам маънан, ҳам жисмонан етук Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш ҳамда мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларга ҳиссасини қўшмоқда. Бу ҳаракатларни жойларда уюштирилаётган тадбирлар негизида ҳам кўриш мумкин. Биргина ўтган йилнинг декабр ойида турли вилоятлар ўқув масканлари ва ташкилот кенгашларида ўтказилган тадбирларда минглаб ёшлар фаол иштирок этди. Улар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этилиб, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва фахрийлар, ватан мудофаасида ўзини кўрсатган ҳарбийлар билан учрашувлар уюштирилди.

Тадбирларда асосий эътибор ташкилот тизимидаги тўгарак ва курсларга ҳамда миллий армияга чақирилувчи ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етук, жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиси сифатида тарбиялаш уларда бурчга садоқат каби зарур маънавий фазилатларни шакллантиришга қаратилди.

Айтиш жоизки, бу каби тадбирлар юртимизнинг ҳар бир гўшасида ўтказилди ва бу айни пайтда ҳам давом этмоқда.

**Ботир МУСУРМОНОВ, «Туркистон-пресс»**

*Маънавият*

## КАФЕДРА ТАДҚИҚОТЛАРИ

**«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ МУАЛЛИФИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ. ҲАР САФАРГИДЕК БУ ЙИЛ ҲАМ УШБУ БЕЛЛАШУВДА КЎПГИНА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ МУАЛЛИФЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ.**

Ўзбекистон Миллий университети фалсафа кафедраси профессори Нигина Шермуҳамедова томонидан яратилган «Гносеология» дарслиги биринчи ўринни қўлга киритди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур нашр Тошкентда ўтказилган «Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» халқаро конференциясида ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортган эди.

Сеул шаҳрида уюштирилган файласуфларнинг жаҳон конгрессига ҳам бу дарслик тақдим этилди.

## ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА БИЛИМ ОЛАЁТГАН ТОЛИБИ ИЛМЛАРГА ҚАТОР ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛГАН.**

Улар орасида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» деб номланган дарслик ҳам бор. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан босмага тайёрланган мазкур китоб ўз мазмун-мундарижаси билан ҳам ажралиб туради.

Олий ўқув юрти профессорлари Абдулатиф ва Абдуқаххор Абдуғаниевлар яратган мазкур ўқув адабиёти мамлакатимизда илк бор чоп этилганлиги билан ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

## ЮБИЛЕЙ НАШРИ

**«УМР КИТОБИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТЎПЛАМ БОСМАДАН ЧИҚДИ. БУ НАШР ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ, МАШҲУР МЕХАНИК ОЛИМ ҲАМИД РАҲМАТУЛЛО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ.**

Таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан юзага келган ушбу китобда улкан олимнинг механика фани ривожига қўшган катта ҳиссасига доир маълумотлар ҳам кенг ёритилди.

## «ЭЛЕКТРОН АРХИВ» ҚЎЛ КЕЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН УЮШТИРИЛГАН БУ АНЖУМАН АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ. УНДА РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖОБИЙ ИШЛАР ҲАМ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ.**

Электрон дарсликларни шакллантириш ва кўпайтириш билан боғлиқ вазифалар ҳам анжуманда кўриб чиқилди. Бундай жараён чет эл тажрибаларига таянган ҳолда олиб борилади.

Кутубхоналардаги фондларнинг электрон базасини яратиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Бунда «Электрон архив» корпорацияси фаолияти жуда қўл келади. Шу боис марказ икки томонлама шартнома тузадиган бўлди.

## ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЙДИ

**ДИЛЕРЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН «PAYNET» КОМПАНИЯСИ УЧУН 2008 ЙИЛ САМАРАЛИ БЎЛДИ.**

Айниқса, компания тизимининг тўлов шохобчалари сони икки баробарга кўпайди. Айни вақтда яна қатор янги хизмат турлари йўлга қўйилди.

Эндиликда Ўзбекистон мобил алоқа операторларига абонентларни реал вақт тизимида уланиш имкони туғилди.

Аҳоли учун хизмат доираларини кенгайтириш, ҳудудларда агентлар малакасини оширишга ҳам киришилди. Суғурта тўловларини қабул қилиш босқичма-босқич амалга оширилади.

## ЯНГИ ҚУРИЛМА

**КОМПЬЮТЕР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ, МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРСАТИШ, ДАСТУРЛАРГА БУЙРУҚ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОСОНЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ҚАТОР ЯНГИЛИКЛАР ТАТБИҚ ҚИЛИНМОҚДА. ЯНГИ КЎРИНИШДАГИ КЛАВИАТУРА КЛАВИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҚУРИЛМА ҲАМ МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ТОРТДИ.**

Ушбу клавиатура кирилл алифбоси ҳамда лотин алифбоси ҳарфлари, тиниш белгилари каби бўлимларга бўлинган. Бир тилдан бошқа тилга ўтишда ALT-SHIFT клавишлар комбинациясидан фойдаланишга ҳожат қолмади.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА ФАОЛ МАВҚЕИНИ ЭГАЛЛАЙДИГАН, МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ОНГЛИ РАВИШДА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН, ОИЛАСИ ВА ВАТАНИ ОЛДИДА ЖАВОБГАРЛИКНИ ҲИС ЭТА ОЛАДИГАН, МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ, ЭРКИН ФИКРЛОВЧИ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДИР.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Фармойишида Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш зарурати ҳақидаги фикрлари ва талабларини бажариш Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида самарали йўлга қўйилган. Ушбу фанни мазмунли ўтиш мақсадида ҳар бир факультетда компьютер, видео магнитафон билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилган ва дарс жараёнида улардан самарали фойдаланилади. Янги ўқув йилида университетнинг барча академик гуруҳларида ҳамма фанлар бўйича машғулотлар Мустақиллик дарсларидан бошланади. Мустақиллик дарслари мамлакатимиздаги таниқли мутахассислар иштирокида ташкил қилинади.

"Мустақиллик" дарсларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарининг мазмун ва моҳиятини ўрганиш юзасидан талабалар билан суҳбат – мулоқот ўтказилиб келинади. Университет "Маънавият ва маърифат» маркази ва факультетлар деканлари бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан 1-курс талабалари учун Темурийлар тарихи Давлат музейига ҳамда Мустақиллик майдонига талабалар экскурсияси ташкил этилди. Барча ўқув гуруҳларида "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари бўйича махсус ўқув курслари ташкил қилинди, мураббийлар ахбороти ва маърузалари тингланди, шунингдек, талабалар турар жойида профессор ўқитувчилар томонидан давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштирилди.

"Мастер класс" - етук мутахассис томонидан тўпланган тажрибаларни аниқ ва кўргазмали тарзда етказиб бериш шакли бўлиб, бу билимлар кўп йиллар давомида махсус фаолият соҳасида замонавий технологиялар асосида, амалий иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда тўплаб борилади. Бу мутахассиснинг ўз иш усуллари, тажрибалари ва методларини тингловчиларга етказиб бериш усули ҳисобланади. Жорий ўқув йилида университетнинг юқори курс талабалари ҳамда магистрлар учун Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда "Ўзбекистон давлатчилик тарихи", Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда "Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари тарихи" туркумида "Мастер класс" машғулотлари республикамизнинг таниқли арбоблари иштирокида олиб борилмоқда.

Университетда ҳар ойнинг бир куни "Маънавият куни" деб эълон қилинган. Маънавият куни тадбирлари режа асосида ўтказилиб борилади. Маънавият кунларида устоз-мураббийлар ўзларининг талабалари билан махсус шуғулланишади, уларнинг режа асосида шаҳримизнинг зиёратгоҳ қадамжолари, музейлари ва театрларига ташрифини ташкил қиладилар. Куннинг долзарб ва муҳим сиёсий воқеалари, тарбиявий мавзулардаги видеофильмлардан фойдаланган ҳолда "Маънавият соатлари" ўтказилади. Талабалар турар жойларида уларнинг дарсдан кейин маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун 6 та дам олиш хонаси ажратилган бўлиб, у ердаги мавжуд беш номдаги кундалик газеталар, давлатимиз рамзлари, миллий мафкура ва миллий истиқлол ғоялари ҳамда қадриятларимизни акс эттирувчи дидактик материаллардан талабалар фойдаланадилар.

Университетнинг "Маънавият ва маърифат хонаси"да ўқув йили давомида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Маънавият хонасида ўқитувчилар ва талабалар учун керак бўлган барча видео тасмалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурага бағишланган асарлар, қўлланмалар, ДВД, СД дисклари мавжуд. Университетда муҳим тарихий саналар, умумхалқ байрамлари кенг ва чуқур маъно мазмун – моҳият, тарбиявий аҳамият касб этгани ҳолда нишонланади.

Талаба ёшларда юртга садоқат ва ватанпарварлик ҳиссини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар алоҳида режа асосида ўтказилди. Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейида "Миллий ғоя ва миллий қадриятлар" мавзуида "Шаҳидлар хотираси" майдонидаги "Қатағон қурбонлари" музейида "Миллий истиқлол ғояси" фанидан маърузалар ташкил қилинди.

2008 йил ўқув йили давомида ўтказилган тадбирларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварликни ўзида акс эттирувчи бадиий фильмлар намойиш этиб борилмоқда.

Талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкиллаштириш борасида университетда ўқув йили мобайнида бир нечта тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. "Сумбула" фольклор мусиқа тўгараги, Шахмат-шашка тўгараги, "Нотиқлик санъати" тўгараги, "Санам" рақс дастаси, юридик клиника қошидаги "Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик" тўгараги шулар жумласидандир. Жорий ўқув йилида олдинги йиллардан фарқли ўлароқ, "Ибн Сино саломатлик маскани" ва Тиббиёт бўлими ходимлари томонидан 50 дан зиёд маънавий-маърифий илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, гигиена ва саломатликни мустаҳкамлашга бағишланган учрашувлар ташкил этилди. Ҳа, ёшлар – бизнинг келажагимиз. Уларнинг Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топишлари йўлида устоз мураббийлар, университет жамоаси меҳнатларини аямайди.

**Шерикбай ШЕРМАТОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети касаба уюшма қўмитасининг раиси**

## ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**ЮРТИМИЗДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛИНИ СЕРМАЗМУН ВА МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН ТУРЛИ ТАДБИР ВА АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Маълумотларга кўра, мавжуд 9 минг 769 та мактабдаги 5 миллион 108 минг 217 нафар ўқувчилар қишки таътилга чиқишган. Уларнинг таътилда мириқиб дам олиши учун мутасадди ташкилотлар томонидан махсус режа асосида турли анжуманлар ўтказиш режалаштирилган.

Режага кўра республика бўйича мактабдан ташқари таълим муассасаларида, мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида турли кўнгил очар тадбирлар ўтказилмоқда. Жойларда ташкил этилган байрам сайиллари, маданият масканларида ўтказилаётган томошалар, музей ва тарихий обидаларга саёҳатлар ўқувчи-ёшларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариш, маънавий дунёсини янада бойитиш имконини бермоқда.

Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларга республика бўйича 7 минг 521 нафар ўқитувчилар иштирок этди. 369 нафар мактаб раҳбарлари эса малака ошириш курсларига жалб қилинган.

Таътил кунларида умумтаълим мактабларида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг мактаб босқичларини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Жорий йилнинг 5 январидан барча умумтаълим мактабларида мазкур мусобақалар старт олди.

## ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ ТИЗИМЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**ТОШКЕНТДА «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК, ИЛМИЙ ТЕХНИК ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «NGN ТАРМОҚЛАРИ IP ТЕЛЕФОНИЯ АСОСИ. NGN ТАРМОҚЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК» МАВЗУСИДА ИККИ КУНЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анжуманда асосий эътибор IP тармоқларида овоз, расм ва тасвир йўлга қўйилиши, шунингдек, Q.931, SIP, SDP, MGCP, MEDACO, RTP ва RTSP баённомалари, NGN тармоқлари технологиясидаги ҳимоя усуллари, NGN тармоқларида ҳужум ҳамда ички хусусий тармоқларда NGN тармоқлари хавфсизлиги жойлаштирилиши масалаларига қаратилди.

Икки кун давом этган мазкур семинарда 40 нафардан ортиқ соҳа вакилларини қизиқтирган саволлар юзасидан Бонч-Бруевич номидаги Санкт -Петербург Давлат Телекоммуникация университети профессори Даниил Кирилловнинг атрофлича жавоблари ва маърузаси тингланди.

— Семинарни ўтказишдан мақсад телекоммуникация соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш ва уларни тармоқда фаолият юритиши учун ҳар томонлама тайёрлаш,— дейди «Ўзбектелеком» АК инженер-техник маркази директори Эргаш Аллаев. — Айтиш жоизки, NGN тармоқлари бундан кейин анъанавий тармоқларни алоқанинг юқоридаги барча турдаги кўринишларига ўтказишни режалаштирган. Бу эса тармоқлардаги алоқада фақат овоз эмас, балки, матн, расм, тасвир ва бошқа турдаги хизматлар узатилишини таъминлайди, ҳамда мижозларга IP телефония ва IP телевидение хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

Соҳа вакилларининг фикрича, NGN тармоқлари Ўзбекистонда илк марта бундан беш йил олдин «East Telecom» хусусий ташкилотида ўз хизматларини жорий этган эди. Ҳозирда эса «Ўзбектелеком» муассислигида тармоқ компания ва «East Telecom» филиалларида ўз қурилмаларини жойлаштирган. Янги тармоқ бутун республика бўйлаб замонавий ва юқори сифатли алоқаларини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

## «САРДОРЛАР МАКТАБИ»НИНГ ТАШАББУСИ

**«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИДА « ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК ЁШЛАР: ҚУШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАМИЗ!» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбир «Сардорлар мактаби» томонидан болаларда экологик маданиятни шакллантириш, табиатни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш мақсадида ўтказилди. Ушбу лойиҳада мактаб тингловчиларининг ўз қўллари билан ясаган 500 дона қуш инлари Тошкент шаҳридаги дарахтларга жойлаштирилди.

«Сардорлар мактаби» «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қошида очилган бўлиб, ҳаракатнинг қуйи бўғинларида фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадлар асосида фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мактабнинг фаол аъзолари ёшларда ташкилотчилик, етакчилик ва сардорлик сифатларини шакллантириш йўлида етук фан арбоблари, илмий ходимлар, сиёсатчилар, маънавият-маърифат ходимлари ва партия етакчилари билан жонли мулоқотлар, ҳамкорликда ўқув- семинар, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилиб келинмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

